ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

*Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 12 йиллиги ва
Ўзбекистон Миллий университети ташкил
топганлигининг 85 йиллигига бағишланади*

# ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ ВА ИНСОН ОМИЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Республика илмий-амалий конференцияси

## ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

16 сентябрь 2003 йил

Тошкент – 2003

*Беркинов Б., Хошимов С.* Создание информационной базы и совершенствования системы органов самоуправления граждан в условиях формирования демократического общества 162
*Холматов А.А.* Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими 166
*Эрмаматов Ш.Ж.* Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги минтақавий тафовутлар ва уларни бартараф этишнинг айрим масалалари 168
*Хашимов П.З.* Социальная защита населения в развитых странах 171
*Олимжонова Ш.О., Умаров О.О.* Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишлари 175
*Мирзаев Ш.А., Қулматов О.А.* Ижтимоий ҳимоя манзиллилигини кучайтиришда маҳалла тадбиркорлигининг ўрни 177
*Поваляев К. В.* Махалля как проводник государственной социальной политики 181

III. «ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ» шўъбаси 185

*Мирзахидова Ш. Х.* Государственное регулирование международного кредита и развитие экспортных отраслей 185
*Mirzakhidov M.Kh.* Bank system and finance of Uzbekistan 188
*Эргашев Р.Х., Хамраева С. Шодиев Н.* Решение социальных проблем села 191
Основные факторы развития инновационной деятельности в производственной сфере 194
*Хўжаев Х.* Ўтиш даври иқтисодиёти шароитида соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш хусусиятлари 196
*Боймпрзаева Ф.Г.* Ўзбекистонда кредит уюшмаларини ривожланиш истиқболлари 199
*Садыкова И.А., Ахмедов М.Н.* Особенности современного этапа управления системы здравоохранения Узбекистана 201




*Сабирова З.К* Теоретические аспекты включения физической культуры и спорта в сферу рыночных отношений 203

IV. «ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНИШИ» шўъбаси 208

*Умурзаков Б.Х.* Социально-экономическая сущность пенсионной системы 208
*Мажидов Н.М.* Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш вариантлари 213
*Касымова С.Х.* Пенсионная система Узбекистана: состояние и проблемы 216
*Шенпаев Х.* Ижтимоий сиёсат ва суғурта 219
*Вахабова М.Н.* Методология и принципы организации системы медицинского страхования 222
*Джуманова Р.Ф., Рафикова М.* Идея национального возрождения как движущая сила реформ в Узбекистане 224
*Самитова Ф.Х.* Ўзбекистонда суғурта бозори 226
*Закиржанов Ш.Ш.* Сущность и значение социального страхования Республики Узбекистан 228

V. «ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТЛАРИ» шўъбаси 231

*Каюмов А.А., Усманов З.К.* Регулирование комплексного развития регионов 231
*Юлдашева У.* Государство и рынок 233
*Арипова М.* Развитие внешнеэкономических отношений как фактор повышения конкурентоспособности экономики 235
*Каюмова Д.* Мировой опыт развития интеграционных связей в условиях глобализации 237
*Акрамов Ж.* Мировой рынок капитала и его трансформация в инвестиционные ресурсы региона 238
*Ishanova S.* Leasing in Uzbekistan: priorities and problems 240
*Қаюмов А.А.* Глобаллашув ва иқтисодий сиёсат 243

моддий ва маънавий бойликларни яратиш билан бир қаторда, ўзи яратган ижтимоий муҳитда яшайди ҳам. Ижтимоий соҳанинг қай даражада ва қандай сифат билан шаклланган бўлишлигидан турмуш тарзининг муайян мезони келиб чиқади.

Ижтимоий амалиёт заминида меҳнат ва мулк муносабатларидаги мутаносиблик ётади. Бу ҳолатнинг намоён бўлишлиги тақсимот тизими амалда қай тарзда жорий этилганлигига боғлиқ. Иқтисодий-сиёсий тизим билан боғлиқ тарзда ижтимоий тизимнинг даражалари белгиланади.

Ижтимоий тизимда олиб борилаётган сиёсатнинг асосий мақсади мамлакатимиздаги барча аҳолини яшаш шароитларини яхшилаш, меҳнатга яроқли аҳолини ин билан таъминлаш, жамият ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш, оилаларга эътибор бериш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашдан иборат. Республикада ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш бугунги ички сиёсатимизнинг негизи бўлиб бормоқда. Зеро, республика Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: "Халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат – Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг ажралмас шартидир".

Ижтимоий ҳимоя ижтимоий сиёсатнинг муҳим бир йўналишидир. Ижтимоий ёрдамнинг мақсади жамиятда кам таъминланган оилаларни, пенсионерларни, ногиронларни, кўп болали оилаларни, ишсизларни, таълим олаётган ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. Бу ёрдам оилага йўналтирилади ва миллий анъаналаримизга хос ўзини-ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла орқали амалга оширилади.

Давлат моддий жиҳатдан муҳтож оилаларга мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб фаол ёрдам бера бошлади. Манзилли ижтимоий ҳимояга ўтилди. Аҳолининг кам таъминланган қисмига фақат 2000 йилнинг ўзида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали 54,2 млрд. сўм миқдорда нафақа кўмак ва бошқа турдаги ёрдамлар берилди.

Ҳозирги кунда мамлакатнинг 2 млн. 640 минг фуқароси нафақа ва моддий ёрдам олади.

Таълим сиёсати бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири. Президентимиз ташаббуси билан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш йўналишлари ишлаб чиқилди. Мустақиллик йилларида 300 дан ортиқ янги турдаги таълим муассасалари очилди. Фақат 1998-2000 йиллар мобайнида 160 минг ўқувчига мўлжалланган замонавий 260 та касб-ҳунар коллежлари, 47 та академик лицейлар



қурилиб фойдаланишга топширилди. Олий ўқув юртларининг 142 минг талабаси ҳар йили 6 млрд. 600 млн. сўм стипендия олади. Кейинги 3 йилнинг ўзида стипендиялар миқдори 3,8 баравар ортди.

Бандлик сиёсати - бу меҳнат ресурслар ва аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидир. Бу вазифани ҳал этишнинг энг самарали йўналишларидан бири кичик ва ўрта корхоналар сонини кўпайтириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш, қўллаб-қувватлашдан иборатдир. 2000 йил ўрталарида уларнинг сони 175 мингдан ортди. Қишлоқларда деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ширкатлар сони 1500 тадан ошди.

Уй-жой сиёсати-бу мамлакатимиздаги оилаларни уй-жой билан таъминлашдир. Аҳоли сонининг ортиб бориши, янги-янги оилаларнинг пайдо бўлиши натижасида жамиятда уй-жойга бўлган талаб ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида 70 млн. кв.м турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Соғлиқни сақлаш сиёсати-жамиятимизда соғлом муҳитни яратиш мақсадида олиб борилади. Турли хил касалликларни олдини олиш ва уларни тарқалишини чеклаш мақсадида тиббиёт масканлари ишга туширилмоқда. 11 йил мобайнида 19,5 минг ўринли касалхоналар, 95,7 минг марта ташрифли поликлиникалар фойдаланишга топширилди.

Республикада аҳолига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ривожланган тизими бунёд этилди.

*Мирзаев Ш.А., Қулматов О.А. (ЎзМУ)*

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МАНЗИЛЛИЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШДА МАҲАЛЛА ТАДБИРКОРЛИГИНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикасида маҳаллалар - ўзини-ўзи бошқаришнинг миллий модели сифатида эътироф этилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш соҳасида ноёб механизм тузилдики, унинг илдизлари халқ анъаналарига ва тарихан таркиб топган муносабатлари - маҳаллага бориб тақалади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, маҳаллалар фуқароларининг йиғини фуқароларга давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга ёрдам беради. Улар ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва

хўжалик вазифаларини ҳал қилиш учун уюштирадиган орган сифатида тан олинди"[1].

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини мақсадли қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастури қабул қилинган. Дастурнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV Сессиясидаги маърузасида белгиланган йўналишлар, "Оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш" (1999 йил), "Соғлом авлод учун" (2000 йил), "Она ва бола манфаатларини ҳимоя қилиш" (2001 йил), "Қарияларни қадрлаш йили" (2002 йил) Давлат мақсадли дастурлари ва иқтисодиётни ислоҳ қиилишнинг устивор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз томонидан 2003 йил мамлакатимизда "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинди ва йил дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика ҳайъати тузилди. Ҳайъат давлат, нодавлат ҳамда жамоат ташкилотлари, шунингдек, маҳаллалар вакилларини кенг жалб этган ҳолда маҳаллаларимиздаги мавжуд муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган ишларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий-ҳуқуқий, ижтимои-иқтисодий тадбирларни аниқлади ва 2003 йиил 7 февралда "Обод маахалла йили" дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Дастурда етти йўналишдаги ҳал қилинишии лозим бўлган қуйидаги муҳим масалалар илгари сурилган:

- маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- маҳалланинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- маҳаллаларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирш асосида янги иш ўринларини яратиш;
- маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар ўйингоҳлари ва спорт майдонларини жиҳозлаш, йўллар, кўчалар ва коммунал тармоқларни ярокли ҳолатда сақланишини таъминлаш;
- маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга манзилли моддий ёрдам кўрсатиш ва ёш оилаларни қўллаб қувватлаш;

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида., Тошкент, "Ўзбекистон", 1995 й.,



- маҳаллалар аҳолисига тиббий ёрдам ва санаторий-курорт хизмати кўрсатиш, болалар спортини ривожлантириш;
- маънавий-аҳлоқий тарбия масалаларида маҳалла фаоллигини ошириш.

2003 йилда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг манзиллилигини кучайтириш мақсадида ва "Обод маҳалла йили" дастури қабул қилиниши муносабати билан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини ривожлантириш махсус жамғармаларини ташкил этиш;
- кам таъминланган ёш оилаларни қўллаб қувватлаш, уларнинг уй хўжалигини йўлга қўйиб олишга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари ва турли жамғармаларнинг кредитларини кенг жалб этиш;
- кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш;
- республикадаги 433 маҳаллада 2,6 минг километрлик газ тармоқларини барпо этиш, 436 маҳаллада эса 1720 километрлик сув қувурлари ётқизиш орқали аҳолини табиий газ ва тоза ичимлк суви билан доимий таъминлаш;
- 12500 минг квадрат метр уй-жой фондини мукаммал таъмирлааш ҳисобига маҳалла аҳолисининг яшаш шароитин яхшилаш, 500 та маҳалладаги 1000 километрдан ортиқ йўлни таъмирлаш, асфальтлаш ва ободонлаштириш, замонавий маҳалла гузарларини барпо этиш;
- ҳар йиили 20 минг нафаргача фаҳрийларимизни санаторий ва шифохоналарда соғлиқларини тиклаш;
- муҳтож кексалар ва ногиронларни протез-ортопедия буюмлари, аравачалар, эшитиш ва кўриш мосламалари билан имтиёзли таъминлаш;
- узоқ қишлоқ ва овулларда яшайдиган аҳолини тиббий-ижтимоий потранаж хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш;
- маҳаллалардаги 16 ёшгача бўлган болаларни барча давлат спорт иншоотларига бепул қатнашига имконият яратиш сингари кўплаб муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида Президентимиз И.Каримов - давлат органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич, аста-секинлик билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига, маҳаллаларга бериб бориш лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда- деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Демак, “Обод маҳалла йили” давомида маҳалла институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш барчанинг диққат эътиборида бўлиши лозим. Кўзланган мақсадга эришиш мақсадида дастурий вазифалардан келиб чиқиб маҳалла фаолиятида дуч келинаётган қуйидаги муаммоларни тегишли давлат идораларида кўриб чиқиш ва зарур ҳуқуқий асосларни яратиш лозим:

- “Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллаларга юридик шахс сифатида муносабатда бўлишни таъминлаш;
- маҳаллаларни малакали кадрлар билан таъминлаш;
- дам олиш масканларига, ўқувчиларнинг ёзги лагерларига йўлланма бериш, маҳалла ҳудудидаги бўш ерларни тасарруф этиш ваколатларини маҳалла фуқаролар йиғинига ўтказиш;
- маҳаллада ишсизлар муаммоси билан шуғулланувчи маҳалла фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадда “Бандликни таъминлаш ва Истемолчиларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳайати”ни тузиш;
- маҳаллада кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун тегишли муҳит яратиш;
- маҳалла ҳудудида “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини қимоя қилиш қонуни” устиворлигини таминлаш.

Бугунги кунда ўнга яқин давлат ваколатлари маҳалла фуқаролар йиғинларига ишониб топширилган. Улар, кам таъминланган, 16 ёшгача болалари бўлган оилаларни, икки ёшгача боласи бор, ишламайдиган оналарни, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш, маҳалла ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш, ободончилик, тарбиявий-маънавий ишларни йўлга қўйиш кабиларни ўз ичига олади. Фақат 2002 йилда маҳаллалар орқали кам таъминланган 276 556 оилаларга 6 290 000 минг сўм, 16 ёшгача болалари бўлган 971 086 та оилаларга 61197 700 минг сўм, 2 ёшгача боласи бор 514 935 та оналарга 45 147 300 минг сўм манзилли моддий ёрдам кўрсатилган.

Юқорида қайд этилган ёрдамларнинг манзиллилигини кучайтириш учун маҳалла қўмитаси фаоллигини ошириш зарур. Хусусан, маҳаллада истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳайъатини тузиш ва истемолчилар ҳуқуқини поймол этган табиркорларга нисбатан қонунчилик доирасида иқтисодий жазо чораларини қўллаш ва кўрилган чоралар натижасида йиғиладиган маблағларни маҳалла ҳисоб рақамига йўналтириб, улардан маҳалла ободончилиги ва тадбиркорлигини ривожлантириш учун фойдаланиш мақсадага мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблаймиз.



*Поваляев К. В. (НУУз)*

# МАХАЛЛЯ КАК ПРОВОДНИК ГОСУДАРСТВЕННОЙ СОЦИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ

“Самостоятельная экономическая политика, отвечающая интересам народа, неотъемлемое условие независимого развития Узбекистана. Главная задача внутренней политики - построение рыночной экономики, ориентированной на интересы человека, с сильным механизмом мотивации труда и государственной защиты наиболее социально уязвимых слоев населения”[1]

Помощь нуждающимся, благотворительная деятельность общины всегда являлась одной из важных функций махалли. Старые, больные, вдовы, сироты, всегда жили под патронажем общины. Соседи помогали им. Эта традиция имеет доброе продолжение и в наши дни. Сегодня это одна из основных функций хокимиятов и махаллинских комитетов.

Сквозным приоритетов экономического и государственного строительства независимого Узбекистана является сильная социальная защита. Такая политическая линия помогла избежать в Узбекистане серьезных социальных конфликтов в переходный период конца 80 - начала 90 годов, не смотря на то, что стартовые условия для реформ были отнюдь не благоприятными. Среди республик бывшего СССР по уровню жизни населения Узбекистан занимал одно из последних мест. Доля населения с доходом ниже 75 рублей составляла 43,6 % от общей численности населения Республики, тогда как в среднем по союзу эта цифра составляла 11-12%. Получалось, что каждый четвертый бедный житель союза жил в Узбекистане. На этом неблагоприятном фоне развивались и новые проблемы переходного периода - значительное ухудшение условий жизни населения в результате снижения реальной заработной платы, увеличение дифференциации по доходам и рост безработицы, быстрое обесценивание накоплений граждан. Поэтому на начальном этапе перехода к рынку система социальной защиты охватила практически всё население Республики. Главной целью мер по социальной защите в этот период было максимальное

[1] Каримов И..А “Жить заботами народа”. -Т. 2000. т.8. с.60.